

"Тасдиқлайман"  
Поп туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлиғи *З.Мирзаниёзова*

4-ноябрь 2022 йил

# ТЕХНИК ТОПШИРИК

*{техническое задание}*


Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Хўжобод оилавий шифокорлик пункти биносини мукаммал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёрлаш хизмати.

БЮРТМАЧИ: Поп туман тиббиёт бирлашмаси

Поп туман тиббиёт бирлашмасига карашли Хўжобод оилавий шифокорлик пункти биносини мукамал таъмирлаш учун лойиха-смета хамда (экспертиза хулосаси) хужжатларини тайёрлаш бўйича

**ТЕХНИК ТОПШИРИК**

| №  | Асосий талаблар<br>(основные требования)            | Асосий маълумот ва талаблар<br>(основная информация и требования)  |
|----|---|--|
| 1. | Бюртмачи (заказчик)                                 | Поп туман тиббиёт бирлашмаси   |
| 2. | Тўлов шартлари (условия оплаты)                     | Тўлов томонлар томонидан шартнома имзоланган ва шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ғазначилигида рўйхатга олинганидан кейин 10 кун ичида амалга оширилади. |
| 3. | Тўлов валютаси (валюта платежа)                     | Миллий валюта - сўм (сўм)  |
| 4. | Хизмат кўрсатиш шартлари „ (условия оказания услуг) | Техник топшириқлар мижознинг манзилида амалга оширилиши лозим. (согласно техническому заданию, по адресу Заказчика)  |
| 5. | Етказиб бериш вақти (срок поставки)                 | 2022 йил Ноябрь ойининг иккинчи ўн кунлиги   |
| 6. | Молиялаштириш манбаи (источник финансирования)      | Опенбюджет   |
| 7. | Танлов шартлари (условия выбора)                    | Иловада кўрсатилган барча шартларнинг бажарилиши.  |



"ТАСДИКЛАЙМАН"

Поп туман тиббиёт бирлашмаси  
бошлғи З.Мирзаниёзова

4 ноябрь 2022 йил

Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Хўжобод  
оилавий шифокорлик пункти биносини мукаммал  
таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда (экспертиза  
хулосаси) хужжатларини тайёрлаш бўйича

# ТАНЛОВ ХУЖЖАТЛАРИ

БУЮРТМАЧИ: Поп туман тиббиёт бирлашмаси

# 1.ТАНЛОВ ПРЕДМЕТИ ВА ТАХЛИЛИЙ ҚИЙМАТИ

## 1.1. Товар ва хизматларининг характеристикаси

| № | Бажариладиган хизматлар тури  | Миқдори |
|---|---|---------|
| 1 | Поп туман тиббиёт бирлашмасига қарашли Хўжобод оилавий шифокорлик пункти биносини мукамал таъмирлаш учун лойиха-смета ҳамда (экспертиза хулосаси) ҳужжатларини тайёрлаш | 1       |

1.2. Танлов қиймати **36 000 000** (ўттиз олти миллион) сўм. Ушбу қийматдан ортик, қийматдаги таклифлар қабул қилинмайди ва кўриб чиқилмайди.

1.3. Махсулот буйича Техник топширик, танлов ҳужжатларининг техник қисмда илова қилинган.

**Ушбу танлов якунлари буйича ғолиб чиққан бажарувчи ташкилот билан шартнома тузилади.**

1.4. Ишларни бажариш муддати шартнома имзоланган кундан бошлаб 30 календар кун.

1.5. Ишларни бошлаш муддати-аванс маблғи ўтказилган кундан бошлаб ҳисобланади.

## 2.ТАНЛОВ ТАШКИЛОТЧИЛАРИ

2.1. Поп тумани тиббиёт бирлашмаси "(бундан кейин -«Буюртмачи» деб аталади) - танлов ташкилотчиси ҳисобланади.

«Буюртмачи» манзили: Поп шаҳар Пахтакор кўчаси № 3-уй

2.2. Танлов "Буюртмачи" томонидан танловлар ўтказиш бўйича тузилган харид комиссияси томонидан ўтказилади

2.3. Танлов "Буюртмачи" томонидан тузилган харид комиссияси томонидан конунда тартибда, белгиланган муддатларда ўтказилади.

## 3.ТАНЛОВ ИШТИРОКЧИЛАРИ

3.1. Танловда мулкчилик шаклидан қатъий назар шу мазмунда иш ва хизматлар кўрсатишга ихтисослашган, камида 1 йил тажрибага эга бўлган барча юридик мақомга эга бўлган ташкилотлар иштирок этиши мумкин.

3.2. Танловда иштирок этиши учун талабгорларга қуйидаги малакавий талаблар қўйилади:

танлов предмета қийматининг камида 20 фоизи миқдордаги айланма маблағларининг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахасисларнинг мавжудлиги;

шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқат ва ваколатлар; танлов обектига ўхшаш обектларда ишлаш тажрибасининг мавжудлиги;,-ўз кучлари билан илгари бажарилган иш хажмлари тўғрисидаги маълумотлар; танлов обектида ўз кучлари билан бажариладиган ишларнинг мўлжалланаётган хажми (50 фоиздан ком. бўлмаган ҳолда); Низом маблағи миқдори.

3.3. Агар танлов предмети бўлган ишлар (*хизматлар*)ни бажариш билан боғлиқ фаолият қонунчиликка биноан лицензиялаштириши зарур бўлса, танловда иштирок этиш учун белгиланган тартибга мувофиқ тегишли лицензияга эга бўлган талабгорларга рухсат этилади.

#### **4. ТАНЛОВДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФЛАРНИ ТАҚДИМ ЭТИШ**

4.1. Иштирокчилар ўз таклифларини электрон кўринишда ([etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz)) порталига электрон танловлар ўтказиш учун жойлаштирилиши лозим.

4.2. Танлов учун таклифлар ва унга тегишли иловалар ва хужжатлар, маълумотлар «БУЮРТМАЧИ» ва «Иштирокчи» ихтиёрига кўра ўзбек тили ёки рус тилида тақдим этилиши мумкин.

4.3. Танлов хужжатларида қуйидагилар тақдим этилиши лозим:

- Техник қисм, «БУЮРТМАЧИ» томонидан қўйилган техник талабларни ва бажариладиган иш ва хизматлар кўрсатилиши керак.

4.4. Қуйидаги хужжатлар тўлиқ бўлиши талаб этилади:

- фақат битта таклиф бериши мумкин;
- тақдим этилаётган хужжатларнинг хақиқийлиги ва маълумотларнинг хаққонийлигига тўлиқ жавобгар бўлади;
- таклифлар бериш муддати тугагунга қадар ўз таклифларини қайтариб олиш ёки ўзгартириш киритиш ҳуқуқига эга.

#### **5. ТОМОНЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Давлат харидлари тўғрисидаги Қонун талабларини бузган шахслар қонунчиликда белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

5.2. Харид комиссияси давлат харидлари бўйича қонунчиликда белгиланган тартибда ғолиб иштирокчиларни аниқлаш ва асосланган қарор қабул қилиш бўйича мажбурдир.

5.3. Танлов иштирокчиси тақдим этилган барча хужжатларни хақиқийлиги ва тўғрилигига жавобгардир. Ғолиб иштирокчи деб топилгандан сўнг қонунчиликда белгиланган тартибда давлат буюртмачиси билан ўрнатилган тартибда ва муддатларда шартнома тузишга мажбурдир.

#### **6. БОШҚА ШАРТЛАР**

6.1. Давлат буюртмачиси танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритиш тўғрисида танловда иштирок этиш учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин қарор қабул қилишга ҳақли. Товарни (ишни, хизматни) ўзгартиришга йўл қўйилмайди. Бунда ушбу танловда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлов хужжатларига ўзгартиришлар киритилган санадан эътиборан камида ун кунга узайтирилиши керак. Шу билан бир вақтда, агар эълонда кўрсатилган ахборот ўзгартирилган бўлса, танлов ўтказиш тўғрисидаги эълонга ўзгартиришлар киритилади.

6.2. Танлов иштирокчиси танлов хужжатлари коидаларини танлов ўтказиш учун эълонда белгиланган шаклда тушунтириш талаби билан давлат буюртномасига сўров юборишга ҳақли. Сўров келиб тушган санадан эътиборан икки иш куни ичида давлат буюртмачиси, агар мазкур сўров давлат буюртмачисига таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида икки кун олдин келиб тушган бўлса, ушбу сўровга белгиланган шаклда жавоб юбориши шарт. Танлов хужжатларининг коидаларига доир тушунтиришлар уларнинг мазмун-моҳиятини ўзгартирмаслиги керак.